

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**БОДИРОВ АБДУРАҲМОН ЖАВУНБОЕВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА  
МАДАНИЙ ҲАЁТ (1925-1941 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Бодиров Абдурахмон Жавунбоевич**

Самарқанд вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

(1925-1941 йй.) . . . . . 3

**Бодиров Абдурахмон Жавунбоевич**

Социально-экономическая и культурная жизнь в Самаркандской области

(1925-1941 гг.) . . . . . 25

**Bodirov Abdurakhmon Javunboyevich**

The social, financial and cultural life in Samarkand region

(1925-1941 years) . . . . . 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**БОДИРОВ АБДУРАҲМОН ЖАВУНБОЕВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА  
МАДАНИЙ ҲАЁТ (1925-1941 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tar120 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) va «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ражабов Қахрамон Кенжаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Обломуратов Наим Халимович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Нормуродова Гўзал Бекмуродовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-кават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Маврулов**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Д.Ж.Ураков**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Г.А.Агзамова**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар марказида инсоният ва унинг тинчлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Тинчлик ҳукмрон бўлган минтақада шаҳарлар, вилоятлар тараққий этиши, юксалиши ҳамда жадал ривожланиши кузатилади. Ер юзининг турли ҳудудларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг маданий даражасини юксалтириш юзасидан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Булар эса мегаполисларнинг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш, давлат, жамият тараққиётининг ҳозирги ва келгуси даврларида кечадиган ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнлар учун фойдали бўлган зарур хулосалар чиқариш имконини беради.

Дунёнинг кўпгина олий ўқув юртлари ва илмий марказларида большевикларнинг миллий сиёсати, совет тузумига муҳолифатда бўлган миллий-сиёсий ташкилотлар фаолияти, социалистик маданиятнинг тарғиб қилиниши юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда совет тарихшуносларининг синфийлик ва партиявийликнинг асосий принциплари негизида ёзилган асарлари таҳлил қилиниб, уларнинг тарихий жараёнларга бир томонлама, ноҳолис, воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатиши каби коммунистик мафкурага хос хусусиятлари келтирилган. Большевиклар томонидан ўтказилган оммавий қатағон ва террор сиёсати, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, саноатлаштириш суръатларини жадаллаштиришнинг асоратли оқибатлари каби масалалар шулар жумласидан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳар ва вилояти республиканинг таркибий қисми бўлиб, мамлакат тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини мужассамлаштиради. Шу нуқтаи назардан ҳудудий бирликлар саналган вилоятлардаги ижтимоий аҳвол, саноат, хўжалик, маданий жараёнларни яхлит тадқиқ этишга зарурат кучаймоқда. Бу ўз навбатида ҳар бир ҳудуднинг минтақадаги ўрни, ўтмиши, иқтисодиёти, моддий ва маънавий ҳаётига бағишланган маҳсус тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини юзага келтиради. Самарқанд вилоятининг 1925-1941 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилмасдан мамлакатнинг бир бутун яхлит тарихини ўрганиб бўлмайди. Қолаверса, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий нуфузи ва мавқеи жиҳатидан республиканинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туриши ҳамда айрим ўзига хос жиҳатларининг мавжудлиги ҳам унинг алоҳида тадқиқот объекти қилиб олинishiга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони<sup>1</sup>, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”// <http://strategy.regulation.gov.uz>

“Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>2</sup>, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ва Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ айрим жиҳатларни ёритишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган адабиётларни ва тадқиқотларни хронологик жиҳатдан шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга совет ҳокимияти йилларида нашр қилинган тарихий адабиётлар, иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва учинчи гуруҳга хорижда нашр қилинган асарлар қиради.

Биринчи гуруҳ тарихий адабиётларида<sup>3</sup> муаммога коммунистик мафкура, синфийлик назарияси ва марксча-ленинча методология доирасида

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789.N 8, м. 117-сонли Қарори. “Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3210647](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210647)

<sup>3</sup> Балашев Н. И. Узбекистан и сопредельные республики и области. – Ташкент: Узбекское Государственное издательство, 1925.– 96 стр.; Икромов А. Итоги земельной реформы и перспективы её закрепления. – Самарқанд – Ташкент, 1925; Архангельский С.Ф. Основные черты колхозного строительства в Средней Азии. – Москва – Ташкент: Госиздат РСФСР, 1930; Бенедиктов И. Колхозное строительство в Узбекистане. – Москва: Госиздат, 1930 – 134 стр.; Литвиненко П., Раскин Г. Колхозное движения и классовая борьба в кишлаке Узбекистана. – Ташкент: УзГиз, 1931; Житов К., Непомнин В. Х. От колониального рабства к социализму. – Ташкент: Узпартиздат, 1939. – 131 стр.; Зиядуллаев С., Манохин И. Социалистическая промышленность советского Узбекистана. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1949. – 151 стр.; Ульмасбоев Ш.И. Промышленное развитие советского Узбекистана. Историко-экономический очерк. – Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1958. – 244 стр.; Ульмасбоев Ш.Н., Слива С. Индустриальное развитие Узбекистана за годы советской власти. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1966. – 270 стр.; Бабаханова С. Промышленный Самарқанд (экономический очерк города 1918-1970 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1975. – 191 стр.; Маматқулов К. Развитие социалистической промышленности Самарқандской области за годы второй и третьей пятилеток (1933-1941 гг.) // Труды УзГУ. Новая серия. Исторический факультет. Выпуск 83. – Самарқанд, 1958. –С. 107-137; Тот же автор: Из истории промышленности Самарқандской области (1917–1927 гг.) // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 101. Материалы по истории народов Узбекистана. – Самарқанд, 1960. -С. 91-135; Тот же автор: Развитие промышленности Самарқандской области за годы первой пятилетки (1928-1929/1932-1933 гг.) // Труды СамГУ. Выпуск 125. – Самарқанд, 1963. –С. 111-150; Алескеров Ю.Н. Первая столица Советская Узбекистана (Самарқанд) // “Коммунист Узбекистана”. 1967, № 12. –С. 83-86; Тот же автор: Самарқандскому университету – сорок лет. – Экономика и жизнь. – Ташкент: 1967, № 1-2. - С. 82; Тот же автор: Самарқанд страницы истории. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – 224 стр.; Тот же автор: Годы, равные векам. Страницы история Самарқанда. – Тошкент: Узбекистан, 1973. – 319 стр.; Абдураззаков Н. Победа колхозного строя в Самарқандской области // Труды Узбекского Государственного университета им. А. Навои. Новая серия. Выпуск 80. Кафедры политической экономии. – Самарқанд, 1957. - С. 71-94; Исаев Х.И. Государственная помощь дехканским хозяйствам – важный фактор кооперирования сельского хозяйства Самарқандской области (1928-1929 гг.) //

ёндашилган. Бу асарларнинг барчаси коммунистик мафкура асосида ёзилган бўлиб, уларда Самарқанд вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнлар, ер-сув ислоҳоти, кулоқлаштириш, ёппасига жамоалаштириш, саноатлаштириш ҳамда маданий соҳада олиб борилган сиёсатнинг мураккаб томонлари тўла очиб берилмаган. Хукмрон коммунистик мафкуранинг таъсири боис ушбу адабиётларда бу даврда амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси “Октябрь инқилоби” нинг маҳсули эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳолбуки, бу даврда нашр қилинган адабиётларда илк бор архив ҳужжатларидан фойдаланилган бўлса-да, улардан совет ҳокимиятининг манфаатини ифодаловчи хулосалар чиқарилди.

Иккинчи гуруҳга оид мустақиллик йилларида нашр этилган коллектив монографияларда<sup>4</sup>, Р.Аминова, А.Голованов, Д.Алимова, Р.Муртазаева, Р.Шамсутдинов, С.Аъзамхўжаев, Р.Абдуллаев, Д.Зияева, Қ.Ражабов, Ш.Ҳайитов, А.Расулов, С.Шодмонова, Б.Расулов, М.Абдуллаев ва бошқалар томонидан нашр этилган адабиётларда<sup>5</sup> ҳамда И.Шоймардонов,

---

Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 121. История КПСС. – Самарканд, 1963. – С. 117-131; Тот же автор: Из истории организационно-массовой работы на селе в Узбекистане (1925-1932 гг.). – Ташкент: Фан, 1975. – 100 стр.; Тот же автор: Рост общественно-политической активности крестьянства Узбекистана (1925-1940 гг.). – Ташкент: Фан, 1986. – С. 120; Камолов А. 1925-1926 йилларда Самарқанд областида ўтказилган ер-сув ислоҳоти тарихига доир // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 121. – Самарканд, 1963. – С. 132-154; Тот же автор: Борьба Самаркандской областной партийной организации за осуществление коллективизации сельского хозяйства. // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 142. – Самарканд, 1964. – С. 29-46; Хайдарова Ф. Х. Подъём трудовой и политической активности трудящихся крестьян Узбекистана (1928 -1930 гг.) // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 83. – Самарканд, 1958. – С. 71-105; Қориниёзов Т.И. Совет Ўзбекистонини маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: 1956. –516 б.; Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. – Самарканд, 1959; Самибаев К. Х. Культурное строительства в Самаркандской области в 1925-1941 гг. Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент: 1963. –32 стр.; Нуриева В. Участие женщин Самаркандской области в культурном строительстве (1929-1932 гг.) // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 331. – Самарканд, 1977; Рахимова М.Д. Деятельность Самаркандской областной партийной организация по ликвидации неграмотности среди женщин (1925-1927 гг.) // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 334. Материалы по истории народов Узбекистана. – Самарканд, 1978. – С. 16-22; Қодиров Э. К. Ўзбекистонда умумтаълим мактабларининг ривожланиши тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 392 б.

<sup>4</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Раджапова. – Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019 ва б.

<sup>5</sup> Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана в 1917-1960 гг. Опыт, проблемы, уроки. – Тошкент: Фан, 1992. – 248 стр.; Тот же автор: Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 1995. – 206 стр.; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Тошкент: Фан, 1992. – 162 стр.; Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917-1990 йй.). – Т.: Ўзбекистон, 2000; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.: Университет, 2007; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. Коллективлаштириш ва “катта террор” даврида қатагон қилинган ватандошларимизнинг хотира китоби. Самарқанд вилояти (1929-1939 йиллар). Иккинчи китоб. Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 350 б.; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожияси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 544 б.; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Т.: Маънавият, 2000; Абдуллаев М. Ўрта Осиёдаги маҳсус посёлкалар тизими ва сургун қилинган кулоқлар тақдири (1930-1954 йй.). – Тошкент: Akademnashr, 2018; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши қураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар) – Т.: Маънавият, 2002; Тот же автор: Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йй.). – Т.: Yangi nashr, 2015; Тот же автор: Бухоро вилояти тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2015; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2016; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлари тарихи (1917-1991 йиллар). – Т.: Abu matbuot konsalt, 2012; Шодмонова С. Ўзбекистон

Ж.Абдурахмонова, М.Абдуллаев, А.Тойиров, Х.Қурбонов, О.Рашидовларнинг диссертацияларида<sup>6</sup> совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда (Самарқанд вилоятида ҳам) амалга оширган ёппасига коллективлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари, таълим тизимида мустабид совет тузумининг олиб борган қатағон сиёсати, кулоқлаштириш ҳамда сургун жараёни, амалга оширилган оммавий қатағонлар, совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларини маҳаллийлаштириш борасидаги ишлари илмий асосда атрофлича ўрганилиб таҳлил қилинган. Бироқ ушбу тадқиқотларда совет бошқаруви даврида Самарқанд вилоятида хўжаликларни ёппасига жамоалаштириш, оммавий қатағон ва террор сиёсати ҳамда унинг оқибатлари чуқур таҳлил қилинмаган.

Учинчи гуруҳга мансуб хорижий тадқиқотчиларнинг асарларида<sup>7</sup> ҳам совет ҳокимияти даврида Самарқанд тарихи масалаларининг баъзи жиҳатлари ёритилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1925-1941 йилларда Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг моҳияти ва мазмунини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

1925-1941 йилларда Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб, унинг назарий асосларини таҳлил этиш;

Самарқанд шаҳрининг Ўзбекистон ССР пойтахтига айлантирилиши ва унинг маъмурий бошқарувдаги ўрнини очиб бериш;

---

шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонликлар ва сургун қилинган деҳқонлар ахволи (1929-1959 й.). – Тошкент: Ўзбекистон, 2002; Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. – Т.: Zaqalam, 2005; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими шаклланиши, бошқичлари ва моҳияти (1917-1941 йиллар). – Т.: Abu matbuot konsalt, 2012; Давлатова Ш. Ўзбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва таракқиётида миллий масаланинг тутган ўрни (XX асрнинг 20-йиллари). – Т.: Navto'z, 2016 ва б.

<sup>6</sup> Шоймардонов И.Э. Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-маданий ҳаёти. тажриба, муаммолар (20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йиллар). Тарих. фан. ном. дисс.... автореф. Тошкент, 1994. Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида. 1925-1941 йй.). Тарих фан. ном. дисс.....автореф. – Тошкент, 2002. – 31 б.; Абдуллаев М. Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “кулоқ қилиш” сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих. фан. ном. дисс.....автореф. – Тошкент, 2002. – 32 б.; Тойиров А.Э. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати (Самарқанд вилояти мисолида, 1918-1938 йй.). Тарих, фан. ном. дисс.... автореф. – Тошкент, 2007; Қурбонов Х.Р. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари 1929-1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 30 б.; Рашидов О.Р. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918-1933 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс... автореф. – Тошкент, 2018 ва б.

<sup>7</sup> Hayit B. Turkestan in XX Jahrhundert. Darmstadt, 1956; Тот же автор: Milli Türkistan hürriyet davası. – Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı yayınları, 2004; Park A. Bolshevism in Turkestan, 1917-1927. – New York, Columbia University Press, 1957; Khalid, Adeb. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. – London: Cornell University Press Ithaca and London, 2015. – 415 p.



совет режимининг Самарқанд вилоятида ўтказган оммавий қатағон ва террор сиёсатини ёритиш;

Самарқанд вилояти саноат тараққиёти, халқ хунармандчилиги ҳамда саноатлаштириш суръатларини жадаллаштириш ва унинг асоратларини кўрсатиш;

вилоятда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатини амалга ошириш усуллари ҳамда унинг фожиали оқибатларини ёритиб бериш;

маориф ва фан, миллий санъат ва адабиётнинг ривожланишидаги натижа ҳамда муаммоларни таҳлил қилиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида совет бошқарувидаги Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритиш белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** Самарқанд вилоятининг 1925-1941 йиллардаги хронологик даврда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги натижа ва муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

1925-1930 йилларда Самарқанд шаҳрини пойтахт сифатида республиканинг сиёсий ва маъмурий марказига айланиши натижасида совет ҳокимияти томонидан вилоятда уй-жой муаммоси ва коммунал соҳани яхшилашга қаратилган маиший ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга хизмат қилган бўлса-да, кейинчалик пойтахтнинг кўчирилиши оқибатида бу масалалар эътибордан четда қолганлиги очиб берилган;

собиқ совет ҳокимияти томонидан индустрлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши вилоят иқтисодиётида янги соҳалар ва саноат марказларини ташкил этиш жараёнида хунармандчиликнинг аҳамияти катта бўлиб, хунармандчилик кооперациялари ва артелларга бирлаштириши, уларни қисман янги ускуналар билан таъминланиши натижасида 1930 йиллардаги ялпи маҳсулот ўсишида хунармандларнинг ўрни катта бўлганлиги ёритиб берилган;

олий ўқув юртлари талабаларининг “сиёсий тозаланишни текширувчи” комиссиянинг Самарқанд вилоятида фаолият олиб борганлиги, ижтимоий келиб чиқиши меҳнаткаш бўлмаган, мулкдор табақага мансуб бўлган талабаларни “фош” қилиш ва уларни олий ўқув юртларидан четлаштириш ишлари таълим тизимида асосий эътибор илм беришга эмас, балки ижтимоий келиб чиқиши шубҳали бўлган талабалар ҳуқуқлари чекланганлиги аниқланган;

“Хужум” ҳаракати даврида Самарқанд вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилган тадбирлар,

хусусан, хотин-қизлар юзини очиш бўйича республика ва вилоятлар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақалар аҳолининг турмуш тарзи, оила ва никоҳ муносабатларида зиддиятли ҳолатларни ҳам келтириб чиқарганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотда Самарқанд вилоятининг 1925-1941 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир қабул қилинган декретлар, қарорлар, йўриқномалар, низомлар ҳамда қурултой ва конференцияларнинг ҳужжатлари архив маълумотлари асосида таҳлил қилинди;

Самарқанд шаҳрининг Ўзбекистон пойтахтига айлантирилиши ва унинг республика бошқарувидаги ўрни ҳамда вилоятдаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатларда келиб чиққан муаммолар кўрсатилди;

Самарқанд шаҳри Ўзбекистон ССРнинг пойтахти қилиб белгилангандан кейинги йилларда давлат идоралари ва жамоат ташкилотларида маҳаллийлаштириш соҳасида олиб борилган ишларда йўл қўйилган камчиликлар натижасида келиб чиққан муаммолар ўрганилди;

вилоят қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва индустрлаштириш сиёсатида советлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда тарих фани соҳасидаги назарий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланганлиги, кўп турдаги бирламчи манбалар, архив ҳужжатларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини атрофлича тадқиқ этишга имкон беришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Самарқанд вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихининг совет даври тарихи бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишда, олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ўқувчилари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1925-1941 йилларда Самарқанд вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар:

Самарқанд вилоятининг 1925-1941 йиллардаги тарихи, аҳолининг миллий таркибига оид статистик маълумотлар, ижтимоий соҳада юзага келган муаммолар, большевикларнинг социалистик маданиятини тарғиб қилувчи материалларидан Самарқанд давлат музей-қўриқхона фондини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг 2019 йил 9 январдаги 01-12-10-103-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши архив фондларини янги статистик маълумотлар, бирламчи манбалар билан бойитишга ва унинг қишлоқ

хўжалигини жамоалаштириш, саноатлаштириш суръатларини жадаллаштиришнинг асоратли оқибатларини чуқурроқ тадқиқ этиш имкониятини яратган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 936-сонли қарори асосида музей экспозициясининг “Совет ҳокимиятининг “коллективлаштириш” ва “қулоқлаштириш” сиёсати, унинг фожиали оқибатлари (1930-1936 йиллар)” номли 5-бўлими, “30-йилларнинг бошларидаги сиёсий қатағонлар (1929-1936 йиллар)” номли 6-бўлими, “1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар” номли 7-бўлимларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2019 йил 16 январдаги 17-сонли далолатномаси). Қўлланилган натижалар мазкур давр экспозициясини материаллар, манбалар ва маълумотлар билан тўлдиришга кўмак бериб, Ватан ва юрт озодлиги учун курашган, қатағон қилинган аждодларимиз қисматини илмий асосда ёритишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та конференцияда, шу жумладан 3 та халқаро конференция: “Материалы международной научно-практической конференции “VIII Дулатовские чтения» (Тараз, Қазахстан, 2015); “IX Дулатовские чтения”. На тему “М.Х. Дулати и тюркский мир” (Тароз, Қозоғистон, 2016); “Алаштын асыл перзенти” (Туркистон, Қозоғистон, 2017) ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон

қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Самарқанд вилоятида 1925-1941 йиллардаги сиёсий ҳаёт ва ижтимоий жараёнлар” деб номланган биринчи боби Самарқанд шаҳрининг янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР пойтахтига айлантирилиши ва унинг республика бошқарувидаги ўрни ҳамда вилоятдаги сиёсий ҳаёт ва ижтимоий ўзгаришлар масалаларига бағишланган.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши натижасида 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР ташкил топди. Бу пайтда Самарқанд вилояти таркибида 4 та: Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд ва Самарқанд уездлари бўлган. Вилоятнинг майдони 25 240 мураббаъ<sup>8</sup> чақирим ва аҳолиси 580 408 кишини ташкил этган<sup>9</sup>. Самарқанд шаҳри эса 1925 йилнинг апрелидан 1930 йилнинг сентябригача Ўзбекистон ССРнинг расмий пойтахти вазифасини бажарди. Ўша даврда Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти томонидан Самарқанд шаҳри бежизга пойтахт қилиб танланмаган эди.

Ўзбекистон ССР барпо этилган дастлабки даврда республика марказида жойлашган Самарқанд шаҳри унинг пойтахти эди. Ўша йилларда Ўзбекистоннинг ҳамма қисмларини бир бутун қилиб бирлаштиришда, совет аппарати ишларини жонлантиришда Самарқанднинг пойтахт бўлиши мақсадга мувофиқ эди. Совет маҳаллий органлари ўз ишларини янада яхшилагач ва уларнинг марказий ҳукумат муассасалари билан алоқалари мустаҳкамлангач, 1930 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкентга – республиканинг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига кўчирилди<sup>10</sup>.

1925-1930 йилларда Самарқанд шаҳри республиканинг сиёсий ва маъмурий маркази бўлар экан, бу ерда марказий совет, хўжалик ва бошқа ташкилотлар жойлаштирилди. Самарқанддан туриб, Ўзбекистон ССР нинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти маданий ва иқтисодий ривожланиши бошқарилди. Самарқандда бу даврда катта ишлар олиб борилди. Шаҳарда янги ташкил этилган Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети<sup>11</sup>, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети<sup>12</sup>, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети<sup>13</sup>, республика халқ комиссарликлари ва бошқа бошқарув муассасалари ташкил қилинди.

Самарқандда Ўзбекистон ССР Советларининг II-V қурултойлари ва Ўзбекистон Компартиясининг II–IV съездлари бўлиб ўтди. Бу анжуманларда

---

<sup>8</sup> Мураббаъ – араб тилидан олинган бўлиб, тўрт томон деган маънони англатади. Ушбу ўринда метрологик жиҳатдан квадрат маъносини ифодалайди.

<sup>9</sup> Ўзбекистон инқилобий шўролар жумҳуриятининг қисқа жўғрофияси // Қизил Ўзбекистон. 1924 йил 5 декабрь. 1-сон.

<sup>10</sup> Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. –Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958. –Б. 150.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биноси ҳозирги Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи жойлашган ўринда бўлган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети идораси ҳозирги Самарқанд шаҳар ҳокимияти биносида жойлашган эди.

<sup>13</sup> Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг идораси ҳозирги Алишер Навоий номли кўчанинг 58-уйида жойлашган.

Ўзбекистон ССР ва ўзбек халқи тақдирида муҳим роль ўйнаган қарорлар қабул қилинди. 1925 йил 22 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг II съездида бир қатор масалалар кўрилди. Жумладан, ер-сув ислоҳоти тўғрисида, иқтисодий ҳаёт ва совет қурилиши ҳақидаги вазибалар, таълим-тарбия, қизил армиянинг миллий жиҳатдан шакллантирилиши, қасаба уюшмалари ишлари, комсомол, “Қўшчи” иттифоқи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди<sup>14</sup>. 1927 йилнинг 16 ноябрида Самарқандда Ўзбекистон Компартиясининг III съезди очилади. Съездда 26642 нафар партия аъзоси ва аъзоликка номзодлар томонидан сайланган 541 нафар делегат қатнашди<sup>15</sup>.

Самарқандда Ўзбекистон ССР ҳукумати иш бошлагандан кейин шаҳарни қайта қуриш, асосан, унинг эски шаҳар қисмини реконструкция қилиш масаласи муҳим масала қилиб қўйилади. Эски шаҳар қисмидаги икки туман ҳудудида ишчилар шаҳарчасини қуриш тўғрисида режа ишлаб чиқилди ва иккала туманнинг ҳар бирида 150 тадан уй қурилиши белгиланди<sup>16</sup>. 1928 йилда Самарқанд шаҳрида 30 та ҳукумат ва жамоат бинолари қурилиб, уларга 1378000 рубль маблағ сарфланди. Коммунал қурилиши бўйича 743000 рубллик 41 та қурилиш ишлари олиб борилди. Уй-жой қурилиши бўйича уй-жой кооперацияси линиясида 664800 рубллик 64 та қурилиш ишлари олиб борилди ва 75% га бажарилди. Хусусий уй-жой қурилишида 200000 рубллик 42 та турар жойлар қурилди<sup>17</sup>.

Бу даврда шаҳар аҳолиси ҳам ўсиб борган. Бу асосан республика қишлоқ ва овулларида кўчиб келган аҳоли ҳисобидан ва бошқа марказий туманлар аҳолиси ҳисобидан бўлган. Ўзбеклар, тожиклар, руслардан ташқари бу ерда маҳаллий бухоро яҳудийлари, арманилар, туркманлар ҳам меҳнат қилар эди. Уларнинг жамоалари ўзларини самарқандликлар деб аташар эди. 1926 йилда шаҳар аҳолиси 105106 нафар кишини ташкил этган бўлса, 1930 йилга келиб аҳоли туғилишининг кўпайиши натижасида ва мамлакатнинг бошқа жойларидан кўчириб келувчилар ҳисобига, 119358 кишига кўпайди. Шу ўринда шаҳар аҳолиси ҳар йили 1000 киши ҳисобига ўртача 29 кишига кўпайди. Аҳолининг кўпайиши эса Самарқандда уй-жой муаммосини келтириб чиқарди. Шаҳарда турар жой майдони секинлик билан ўсиб борди. 1926 йилда 456104 м<sup>2</sup> фойдаланиладиган турар-жой майдони мавжуд бўлган бўлса, 1929 йилда 34 минг м<sup>2</sup> уй-жой қурилиб, жами 490104 м<sup>2</sup> га етди<sup>18</sup>.

1928 йил 18 февралга келиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида” 2420-сонли қўшма қарори қабул қилинди<sup>19</sup>. Бу қарор асосида Ўзбекистон ССР ҳукумати томонидан тегишли

<sup>14</sup> Правда Востока, 14 июня 1925 года.

<sup>15</sup> Самарқанд вилоят давлат архиви (Самарқанд ВДА), 63-фонд, 1-рўйхат, 56-иш, 107-варак.

<sup>16</sup> Правда Востока. 12 июня 1925 года.

<sup>17</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 311-иш, 66-варак.

<sup>18</sup> Узбекистанская правда. 10 января 1930 года.

<sup>19</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 433-иш, 14-варак; Правда Востока. 2 марта 1928 года.

тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилди. Самарқанд вилоятидаги давлат ва хўжалик аппаратини ўзбеклаштириш комиссиясининг 1928 йил 3 октябргача бўлган маълумотларига қараганда, Самарқанд вилоят ижроия кўмитасидаги 65 ходимнинг 20 нафари<sup>20</sup>, вилоят судидаги 30 ходимдан 8 нафари<sup>21</sup>, Самарқанд шаҳар советидаги 14 ходимнинг 5 нафари<sup>22</sup>, Самарқанд соғлиқни сақлаш бўлимидаги 11 ходимдан бир нафари<sup>23</sup>, статистика бюросининг 32 ходимдан 4 нафари<sup>24</sup>, маҳаллий хўжалик бошқармасининг статистика, ҳуқуқ, савдо, уй-жой, ободонлаштириш, коммунал хизмат бўлимларидаги 23 ходимдан 2 нафари<sup>25</sup>, Самарқанддаги ўлка (республика) касалхонасидаги 113 нафар ишчи ходимдан атиги 10 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлган<sup>26</sup>.

XX асрнинг 20-30-йилларида бутун Ўзбекистон ССР ҳудудида бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам ижтимоий ҳаёт анча зиддиятли хусусият касб этди. Ҳукмрон коммунистик партия жамият аъзоларини сунъий равишда “меҳнаткашлар” ва “меҳнаткаш бўлмаганлар”га ажратиб, улар ўртасида зиддиятни кучайтирди. Бир томондан коммунистик режим кўр-кўрона меҳнаткашлар оммасининг сиёсий фаоллигини “кўзғаш”га, уларни партия-давлат тузилмаларига ва жамоат ташкилотларига кенг жалб қилишга интилса, иккинчи томондан, аҳолининг “меҳнаткаш бўлмаган” (мулкдорлар, диндорлар, амалдорлар ва ҳ.к.) қатламларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишини советча қонун асосида чеклаб қўйди. Шу билан бирга, уларга қарши доимий иш олиб борди. Бу кураш фақат “меҳнаткаш бўлмаган” қатламларгагина эмас, коммунистик режимга қарши чиққан барча кишиларга, ўзгача фикр юритадиганларга, ўзбек халқининг ва ўз республикасининг манфаатларини ҳимоя қилганларга қарши ҳам олиб борилди<sup>27</sup>.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш йўли билан қатағон қилинганларнинг йирик тоифаси диндорлар ва уларнинг оилалари бўлган. Кўплаб мусулмон уламоларига “домулла-имом ва руҳоний бўлган” деган сиёсий айблар қўйилди ва уларни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан четлаштириш бошланди.

Мулла ва эшонларни қатағон қилиш 1929-1938 йилларда айниқса кучайди. Шу даврда нуфузли руҳонийлардан Каттақўрғон уезди бўйича: Олтикетмон қишлоғидан имом Мурод Муҳаммедов, Қўнғирот қишлоғидан мулла Абдурасул Абдуғаффоров, Пайшанба қишлоғидан муфти Насриддин Турсунмуродов ва муфти Худойберди Ражабовлар; Самарқанд шаҳри бўйича: Хон Саид маҳалласидан муфти Лутфулла Файзуллаев, 1 май

<sup>20</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 96-варақ.

<sup>21</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 426-иш, 50-варақ.

<sup>22</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 97-варақ.

<sup>23</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 426-иш, 82-варақ.

<sup>24</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 426-иш, 86-варақ.

<sup>25</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 78-80-варақлар.

<sup>26</sup> Самарқанд ВДА, 256-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 92-варақ.

<sup>27</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир Жўраев М. – Тошкент: Шарк, 2000. – 313 б.

махалласидан муфти шайх Абдурауф Аминшайхов ва бошқалар номлари алоҳида қайд этилган ҳолда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар<sup>28</sup>.

Шундай қилиб, Самарқанд вилоятида 1925-1941 йилларда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар юз берди. Совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган ижтимоий ўзгаришлар натижасида вилоятда уй-жой муаммоси ва коммунал соҳани яхшилашга қаратилган айрим ишлар қилинди. Бироқ вилоят аҳолисининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиб маҳаллий халқни иш билан таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳам кўпроқ европаликлар манфаатиغا хизмат қилди.

Диссертациянинг **“Совет ҳокимиятининг Самарқанд вилоятидаги иқтисодий сиёсати”** деб номланган иккинчи бобида вилоятда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва деҳқонларнинг кулоқ қилиниши, индустриллаштириш сиёсатидаги асосий муаммолари, халқ хунарамдчилигидаги аҳвол каби масалалар таҳлил қилинди.

1925 йил ноябрда Самарқандда бўлган Ўзбекистон Компартиясининг II съездида совет ҳокимияти томонидан ўтказилаётган “аграр инқилоб”нинг стратегия ва тактикаси тасдиқланди. 1925 йил 2 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг фавқулодда сессиясида “Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида” декрет қабул қилинди<sup>29</sup>. Бу қарорлар билан Самарқанд вилоятида ҳам деҳқонлар қўлидан ерларни тортиб олиш ҳамда бой деҳқонларни кулоқ сифатида қатағон қилиш бошланди.

1924-1925 йиллардаги ер ҳисобига қараганда, Самарқанд вилоятида қишлоқ аҳолисининг фойдаланиши учун ҳаммаси бўлиб 659178,98 десятина ер бор эди<sup>30</sup>. Бу вақтда аҳолининг 2,1 фоизи, яъни 2462 та хўжалик тамомила ерсиз эди. Бир-уч десятинадан ери бўлган хўжаликлар 53,6%ни ташкил этиб, уларнинг қўлидаги ерлар ҳамма ер майдонининг 11,8 фоизини ташкил қилар эди, холос. Ўн десятинадан ошиқ ери бор хўжаликлар 1,5 фоизни ташкил қилса ҳам, улар вилоятдаги ҳамма экин ерларининг 57,2% ини эгаллаб олган эдилар<sup>31</sup>.

Самарқанд вилояти ижроия кўмитасининг 1925 йил 8 декабрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида “Ер-сув ислоҳоти ўтказиш тўғрисида” ги масалалар кўриб чиқилди. Мажлис қарорига кўра вилоятда ер-сув ислоҳоти 28 туманга бўлиниб амалга оширилиши ва ҳар бир туман комиссияси таркибида 5 нафар аъзо бўлиши кўрсатилди<sup>32</sup>.

---

<sup>28</sup> Примқулов Ш. Мустабид тузум даврида қатағон (Самарқанд вилояти мисолида). // “Зарафшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни” мавзусидаги Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, 2001. - Б. 69.

<sup>29</sup> Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. – Тошкент: „O‘zbekiston“, 2015. – Б. 189.

<sup>30</sup> Камолов А. 1925-1926 йилларда Самарқанд областида ўтказилган ер-сув ислоҳоти тарихига доир // Труды Самаркандского Государственного университета им. А.Навои. Новая серия. Выпуск. №121. – Самарқанд, 1962. – С. 135.

<sup>31</sup> Ризаев Г. Краткий очерк земельно-водной реформы в Узбекистане. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1947.– С. 14.

<sup>32</sup> Маматқулов К.М. Из истории промышленности Самаркандской области (1917-1927 гг.) // Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 101. Материалы по истории народов Узбекистана. – Самарқанд, 1960. – С. 107.

Дехқон хўжаликларини ва турли артелларни ёппасига коллективлаштириш сиёсати Самарқанд вилоятида ҳам 1930 йилнинг баҳорида авж олиб кетди. Шу йилнинг охирида вилоятда 62848 та хўжаликни бирлаштирган колхозларнинг сони 966 тага етган. Яъни ҳар бир колхозга ўрта ҳисобда 266,04 гектар экин майдони тўғри келган<sup>33</sup>. Бу даврда қишлоқ аҳлининг колхозларга киришини “ғайратлантириш” учун ишчилар синфи ҳам жалб этилади. ВКП (б) МКнинг 1929 йил ноябрь пленуми қарори билан якка хўжалик қишлоқларига камида 25 минг нафар ишчини юбориш таклиф этилар экан, улар жойларда “аграр инқилоб” ни авж олдиришни таъминлашлари лозим эди.<sup>34</sup> “Йигирма беш мингчи” ишчилардан Ўзбекистонга Россиянинг Москва, Ленинград ва Иваново шаҳарларидан 458 киши юборилади<sup>35</sup>, улардан 64 нафари Самарқанд округига келди<sup>36</sup>. Округнинг айрим туманларида жамоалаштиришда шошма-шошарликка йўл қўйилди. Масалан, Янгиқўрғон туманида коллективлаштириш 15 кун ичида амалга оширилган. Шу қисқа муддат ичида 9 минг хўжаликдан 47 та колхоз ташкил этилган<sup>37</sup>. Дехқонларни зўрлик ва кўрқитиш йўли билан колхозларга киритиш натижасида 1930 йилнинг апрелидаёқ вилоятда жамоалаштириш суръати сунъий равишда 53,3 % га кўтарилди<sup>38</sup>. 3 апрелда Пастдарғом тумани раҳбарлари “Ёппасига коллективлаштириш тамом бўлди, 95 фоиз меҳнаткаш дехқонлар колхозларга бирлаштирилди” деб рапорт берди<sup>39</sup>.

Совет ҳокимияти томонидан тазйиқ ўтказишнинг кучайиши натижасида кулоқлаштириш сиёсати тезлаштирилди ҳамда яккаҳол дехқонларни мажбурий тарзда солиққа тортилди. Тарихий адабиётларда қайд қилинганидек, маъмурий-иқтисодий сиқувнинг қаттиқлашуви уларни колхозларга мажбурий равишда жалб қилиш суръатларини жиддий равишда оширишга ёрдам берган. Масалан, 1935 йилда Самарқанд вилоятидаги колхозларга 102850 та дехқон хўжаликлари бирлаштирилган бўлиб, бу вилоятдаги 87,7 фоиз дехқон хўжаликлари эди<sup>40</sup>.

СССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 1 февралдаги қарори билан маҳаллий ҳокимият органлари кулоқларга қарши курашда барча зарурий чораларни қўллаш, кулоқларнинг мол-мулкини мусодара қилишдан тортиб сургун қилишгача бўлган ваколатга эга бўлди<sup>41</sup>. Бутун Ўзбекистон ССРда бўлгани сингари Самарқанд вилояти қишлоқларида ҳам пахта тайёрлаш режасини бажармаган

<sup>33</sup> Камалов А. Самарқанд областида колхоз тузумининг ғалабаси тарихидан. (1927-1935 йиллар) // Общественные науки в Узбекистане. 1965, №5. – С. 54.

<sup>34</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир Жўраев М. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 348.

<sup>35</sup> Узбекистанская правда, 9 февраля 1930 года.

<sup>36</sup> Узбекистанская правда, 4 февраля 1930 года.

<sup>37</sup> Узбекистанская правда, 12 март 1930 года.

<sup>38</sup> Узбекистанская правда, 5 мая 1930 года.

<sup>39</sup> Узбекистанская правда, 4 апреля 1930 года.

<sup>40</sup> Камалов А. Самарқанд областида колхоз тузумининг ғалабаси тарихидан. (1927-1935 йиллар) // Общественные науки в Узбекистане, 1965. № 5. – С. 54.

<sup>41</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 1. Составители: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов. – Ташкент: Шарқ, 2006. – С. 323.



бой-қулоқ хўжаликларига қишлоқ советлари томонидан маъмурий тартибда жарима солиш, тегирмон йиғимини тўламаганларнинг тегирмон ва обжувозларини тортиб олиб, уларни колхоз ва қишлоқ хўжалик кооперативларига арзон нархларда сотиш ҳуқуқи берилди<sup>42</sup>.

1939 йил охирига келиб вилоятда ташкил этилган колхозларнинг сони 1514 тага етиб, уларга 141837 та хўжалик бирлаштирилди ва жами экин майдони 98,6 фоиздан 99,98 фоизни ташкил этди.<sup>43</sup> Вилоят туманларида 33 та МТС (машина-трактор станцияси) мавжуд бўлиб, уларда 3158 та трактор бор эди. 1940 йилнинг баҳорида вилоятдаги колхоз далаларига 1846 та СХТЗ, 95 та универсал, 202 та кучли ЧТЗ ва 131 та Нати тракторлари чиқарилади ва 1484500 гектар ер ҳайдалади.

Хуллас, қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш жараёнида ҳам большевиклар биринчи навбатда совет ҳокимиятини қўлда сақлаб қолишга интилди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам коллективлаштиришнинг дастлабки даврида колхоз тузуми ва қулоқлаштиришга қарши қаратилган ғалаёнлар тез орада совет ҳокимиятига қарши оммавий чиқишлар ва қуролли ҳаракатга айланган эди. Шунинг учун ҳам большевиклар ҳокимиятни сақлаб қолиш, уни ҳимоя қилиш мақсадида маъмурий-буйруқбозлик ва босим ўтказиш, куч ишлатиш имкониятларини тўла ишга солди<sup>44</sup>.

Большевиклар партиясининг таълимотига кўра, индустрлаштириш сиёсати коллективлаштириш ҳамда маданий инқилоб билан бир қаторда СССРда, шу жумладан, Ўзбекистонда социализм қуришнинг таркибий қисмларидан бири саналган. ВКП(б)нинг XIV съезди (1925 йил декабр)да эълон қилинган индустрлаштириш йўлига мувофиқ Ўзбекистон социалистик иқтисод асослари яратилишини назарда тутган “социализм қурилишининг янги даври”га кирди<sup>45</sup>. Бироқ ҳали бу даврда ҳам СССРнинг сиёсий раҳбарияти ўртасида индустрлаштиришни амалга оширишнинг шакли, услублари ва суръатлари борасида турли хил мунозаралар давом этарди. Бу ҳолат Ўзбекистонда, жумладан, унинг энг йирик ҳудудларидан бири ҳисобланган Самарқанд вилоятида ҳам кўзга очик ташланди.

Самарқанд вилоятида мазкур даврда саноат корхоналари кенгайтирилди ва реконструкция қилинди. 1927 йил 1 апрелга келиб Самарқанд шахрининг саноати 26 та ишлаётган корхоналардан иборат бўлиб, уларда суткада ўртача 1047 нафар ишчи банд эди. Вилоят саноатининг 90,6 % ини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил қиларди.

1935 йилда Самарқанд вилояти саноатига 1934 йилга нисбатан 94,2 фоиз кўп маблағ ажратилди. Бу вақтда янги саноат корхоналари қурилиши

<sup>42</sup> Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6045-иш, 130-133-варақлар.

<sup>43</sup> ЎзРПДА нинг Самарқанд ВБ, 31-фонд, 1-рўйхат, 2856-иш, 20-варақ.

<sup>44</sup> Қаранг ва такқосланг: Советская деревня глазами ВЧК – ОГПУ – НКВД. Документы и материалы в 4 томах. Под редакцией А. Береловича, В. Данилова. Том 3. 1930–1934. Книга 1. 1930-1932. –Москва: РОССПЭН, 2003. – С. 417; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий катагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 й.). – Тошкент: Sharq, 2012.– Б. 224-225.

<sup>45</sup> Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. –Ташкент: Узбекистан, 1974.– С. 216.

ҳам назарда тутилган эди. Шу йили мармар топилган Нурота туманининг Ғозғон қишлоғига яқин жойда қурилиш учун жуда муҳим бўлган мармар ишлаб чиқарувчи мармар комбинати қурилди. Самарқанд вилоятининг йирик саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режасини 101,9 фоизга бажариб, 1934 йилга нисбатан 6,4 фоизга ўсишга эришди.<sup>46</sup> Вилоятнинг бутун саноати (маҳаллий ва кооперациялашган саноати билан бирга) 1935 йилда 96,9 миллион рубллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарди.<sup>47</sup> Бу пайтда Самарқанд вилояти маҳаллий саноати республикада биринчи ўринга чиқди.

1938-1941 йилларда Самарқанд вилоятининг саноати кенгайтирилди ва қайта қурилди. 1939 йилда пахта заводларини қуриш ва қайта қурилишига 7 млн рубль маблағ сарфланди. Бу маблағ Самарқанд, Каттакўрғон, Зирабулоқдаги мавжуд заводларни таъмирлаш, шунингдек, Булунғур райони марказида янги пахта заводи қуришга ишлатилди.

Хуллас, индустрлаштириш Марказнинг саноатни ривожлантиришдаги комплекс дастури бўлиб, Самарқанд вилояти иқтисодиётида янги соҳаларни ва саноат марказларини вужудга келтириш, малакали ишчи кадрларни ва янги иш ўринларини яратиш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишни қамраб олган эди. Аммо вилоятда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожини экстенсив хусусиятда бўлди, у хом ашё тайёрлашга асосланган эди. Саноатнинг вазифаси асосан хом ашёни қайта ишлашдан ва бу соҳани ривожлантиришдан иборат бўлган.

Самарқанд вилояти саноатини тиклаш йилларида ҳунармандчиликнинг аҳамияти катта бўлди. 1926 йилнинг 1 октябрида вилоятидаги 58 та артелда 12638 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 2328 нафари ёки 18,4 фоизи кооперациялаштирилган эди.<sup>48</sup> Бу йилларда Самарқанд вилоятининг ҳунармандчилик саноати ривожланган туманлари сифатида Самарқанд шаҳри, Ургут, Жиззах, Юқори Дарғом туманларини кўрсатиш мумкин. Шу сабабли бу вақтда артелларнинг аксарият қисми ана шу туманлар ҳудудида жойлашган. Қолган туманларда ҳунармандчилик кооперациялари қўлами жуда чегараланган ва фақат бармоқ билан санарли бўлган, ҳатто Челақ, Даҳбед, Зомин туманларида битта ҳам артель тузилмаган.

1928 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, Самарқанд туманлараро ҳунармандчилик саноат уюшмаси 1715 нафар (1560 нафар эркак, 155 нафар хотин-қиз) аъзодан иборат бўлган 81 та артелни ўзида бирлаштиради.<sup>49</sup> Ҳунармандларни артелларга бирлаштириш натижасида ҳунармандлар сони ўсиши ҳамда уларни қисман янги ускуналар билан таъминланиши натижасида 1932 йили ялпи маҳсулот 1927-1928 йилларга нисбатан 8 марта кўпайди<sup>50</sup>. Кейинчалик ҳунармандчилик артеллари йириклашиши натижасида 1932 йил бошларида Ўзбекистонда 600 дан ортиқ

<sup>46</sup> Самарқанд ВДА, 251-фонд, 4-рўйхат, 12-иш, 129-варақ.

<sup>47</sup> Самарқанд ВДА, 251-фонд, 4-рўйхат, 12-иш, 130-136-варақлар.

<sup>48</sup> ЎзРПДА нинг Самарқанд ВБ, 31-фонд, 1-рўйхат, 1682-иш, 78-варақ.

<sup>49</sup> ЎзРПДА нинг Самарқанд ВБ, 215-фонд, 1-рўйхат, 319-иш, 30-варақ.

<sup>50</sup> ЎзРПДА нинг Самарқанд ВБ, 640-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 16-варақ.

хунармандчилик артеллари бўлган<sup>51</sup>. Самарқанд шаҳри хунармандчилик саноат уюшмаси (Самкустарпромсоюз) бу даврда 1312 нафар аъзони бирлаштирган 25 та артелдан иборат эди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети 1932 йил 2 августда “Майда хунармандчилик саноати томонидан чет давлатларга сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида” қарор қабул қилди<sup>52</sup>. Бу қарорга кўра, гилам тўқувчи ва пилладан тола олувчи ҳамда шойи тўқувчи хунармандлар меҳнатига яраша турли қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари билан таъминланган ҳамда рағбатлантирилган.

